

КОММУНИЗМ УЛУҒ ИШИНИНГ ТАНТАНАСИ УЧУН!

Кеча совет халқи давлат ҳокимиятининг олий органи—СССР Олий Советига ўз депутатларини сайлади. Бу сайлов халқимиз маънавий-сиёсий бирлигининг, қардошларча дўстлигининг, партия, ҳукумат, ва халқ монолит жиқлигининг қудратли намоишига айланди.

БҲТҲ ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ,
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 57 (2090).

19 март, душанба, 1962 йил.

Баҳоси 2 тийин.

БУЮК ВА БУЗИЛМАС БИРЛИК

Кеча поёни йўқ мамлакатимизнинг Болтик дегизидан тортиб Тошкент оролларида, Шимолий муз океанидан тортиб Тошкент оролларида бўлган ҳамма ерида зўр шодона кун бўлди. Бу шодонанинг боиси СССР Олий Советига сайловлар — совет жамиятининг ҳаётидаги муҳим сиёсий воқеа. Батамизимиз меҳнатчиларнинг катта ва қувватли байрами бўлди. Шу кун улуг Ватанимизнинг ҳар бир меҳнатқили — ишчилар, колхозчилар, совет интеллигенцияси, барча миллат вакиллари СССР Конституциясида олтин ҳарфлар билан ёзилган буюк граждонлик бурчларини зўр ҳуррадан билан катта ифтихор билан адо этиб, мамлакатимизнинг энг яхши, аср ва содиқ, умумманфаати учун жонкуяр ўғил-қизларини энг олий орган — СССР Олий Советига депутат қилиб сайлади.

Эрта тондан бошлаб байрам шодоналари бошланди. Кўн сонли сайлов участкаларида тантанавор музика садолири янгради. Баҳор шабадаси килинча ҳузув бағишловчи кўн садоларини буюк ўзла бўлиб таратди. Моҳир кўшиқчи ва бастакорларимиз ҳам, санъат ҳосилига эришган қадим қўнб келатган илҳомдан ҳаваскорларимиз ҳам шу кун сайловчилар хизматида бўлишди. Умумхалқ шодонаси кун буйи давом этди.

Қудрати зўр, бағри кең Советлар элининг ҳамма ерида бўлган шодона республикамизнинг пойтахти Тошкентда ва областимизнинг Чирчиқ, Бекбоёв, Олмалиқ, Охангарон, Янгйер, Гулистон, Ўстонлик ва Чиноз каби шаҳар ва районларида ҳам СССР Олий Советига сайловлар юксак сиёсий ва меҳнат кўтариш қилини вазиётида ўтди. Инсоният тарихида йўлчи юлдуз бўлиб, биринчи марта нурли келажак—коммунизмга йўл очатган совет ишчилари халқ номзодлари, коммунистлар билан партиячилар ленинча блокнинг номзодлари учун овоз бердилар. Халқ номзод қилиб кўрсатган ва унинг учун яқинлик билан овоз берган, ўзининг фидокорона меҳнати, ғайрат ва ташаббус билан юксак ишончга сазовор бўлганлар орасида машҳур пахта устаси, уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Хамроқул Турсунқулов, бутун мамлакатда донг кетган меҳнатқили, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсунқул Охунова, қўнқ ерлар бағрини тилиб, қўн ҳаёт суви келтиратган Маркис Тошқулов, моҳир металлург Елена Сичева каби коммунистларнинг актив қувватлари бор.

СССР Олий Советига бундан олдин бўлиб ўтган сайловлардан бундан орадан тўрт йил ўтди. Бу — совет халқининг етти йиллик пилани бақарини учун зўр ғайрат билан олиб бораган кураш даври, санъат, қишлоқ ҳўжалиги, фан ва маданиятнинг қудратли юксалиши даври. Совет давлатининг тобора ривожланиши ва умумхалқ социалистик демократиясини гуллаб-йиллаш даври бўлди, — дейилади КПСС Марказий Комитетининг барча сайловчиларга қарата чиқарган Мурожаатда. Ўтган давр мобайнида жуда катта тарихий аҳамиятга эга бўлган воқеалар содир бўлди. Булар ичиде энг катта сиёсий воқеа, қишлоқ тарихида бир умр ўчмайлиган воқеа — шонли партиямизнинг XXII съезди бўлди. Совет кишилари съезд қарорларини, партиянинг янги Программасини ўзининг жонажон ва энг яқин иши деб қабул қилди ва бу тарихий ҳўжатларда белгилаб берилган улугвор вазифаларни амалга ошириш учун зўр ғайрат билан ишга киришди. Совет граждонлари, коммунистлар Юрий Гагарин ва Герман Титовларнинг биринчи бўлиб қоникотга йўл очганликлари жаҳон фани ва техникаси тараққиёти тарихига, инсоният тафаккурининг ривожланиши тарихига олтин ҳарфлар билан ёзилди.

Коммунистик партия меҳнатчиларнинг моддий фаровонлиги ва маданий турмуш даражасини тинмай ошириш.

халқ бахт-саодати йўлида фидокорона меҳнат қилишни ўз фаолиятининг олий қонун деб билади. Шу сабабли совет кишилари партиянинг сиёсатида чексиз ишониб ва бу сиёсатни доимо астойдил қўллаб-қувватлаб келмоқдалар. Кечаги бўлиб ўтган сайловлар ҳам жамиятимиз бирлигининг ва жиқлигининг мустаҳкам кучини, қудратини, СССРдаги барча халқларнинг коммунизм идеяларига садоқатини бутун дунё олдида яна бир яқин намоиши қилиб кўрсатди. Бу билан улар совет халқларининг кўн миллатли аҳил оиласи нақадар бирлашган мустаҳкам оила эканлигини, совет халқи Коммунистик партия ва Совет ҳукумати тавоғида нақадар мустаҳкам жиқлашганлигини яқин намоиши қилиб кўрсатди.

Коммунистик партия илгарич сайловлардагидек, бу сарфарги СССР Олий Советига сайловларда ҳам партиясиз ишчилар, деҳқонлар, интеллигенция билан маҳкам жиқлашиб, бузилмас иттифок бўлиб қатнашди. Бўлиб ўтган сайловлар коммунистлар билан партиячиларнинг турмуш синиқидан ўтган коммунизм тантанаси учун курашда тобора чинаяётган ва мустаҳкамлаётган иттифокни қудратли, ниҳоятда таъсирчан зўр куч эканлигини кўрсатди, партия ва халқ бузилмас бирлигининг буюк тантанаси бўлди.

Сайлов кунини совет кишилари меҳнатнашлар тўғрисида доимо оғизларда раҳмат қилиб келаятган раҳимомиз Коммунистик партия ва жонажон Совет ҳўкуматида бўлган ўзларининг чексиз, буюк ишонч ва қўнқ бағри билан бир бор изҳор этдилар. Ани шу сазодат ва муҳаббат тўғуларини жуда кўн биолетеларга ёзилган самийини гаплардан ўқиб, овоз бериш пайтида гўлқилиниб юркандан чиққан сўзлардан ҳам билиш мумкин.

— Мен, — деди овоз бериш пайтида Тошкент тўқимачилик комбинатининг моҳир йнгуручиси Замира Хайдарова, — мамлакатимизда коммунизм тантанаси учун, шонли Коммунистик партиямиз ва жонажон Совет ҳўкуматимиз учун овоз бераман.

— Мен, — деди Янгйер районидеги «Фархон» совхозининг бригада бошлиғи Исмомилжон Абдуллаев, — Тинчлик, Меҳнат, Озодлик, Бахт-саодат, Қардошлик ва Тенглик учун овоз бераман.

— Бу — миллионларнинг қалб сўзидир. Бу — партия ва ҳўкуматга бўлган чексиз муҳаббат ва садоқат сўзларидир. СССР Олий Советига бўлиб ўтган бу сайловлар КПСС XXII съездининг тарихий қарорлари туғайли совет халқининг сиёсий активлиги, меҳнат ғайрати ва иқодий ташаббуси мисли кўн қилмаган даражада юксалган. партия Марказий Комитети март Пленумининг қарорлари асосида қишлоқ ҳўжалигини зўр бе- риб юксалтириш учун умумхалқ ҳаракати авж олиб кетган бир вазиётида ўтди. Бу сайловларда ҳам, худди илгарини сайловлардагидек, коммунистлар ва партиячилар ленинча бузилмас блок буюк ғалаба қозонди.

Суратларда: 1. (чапдан) Октябрь районидеги 269-сайлов участкасида политехника институтининг студенти сайловда биринчи марта қатнашган Ш. Шомсломов ва шахсий несионер хизмат кўрсатган ўқитувчи Собиржон Раҳимов ўртоқлар овоз беришмоқда. 2. Тошкент тўқимачилик комбинатининг ишчилари М. Собиржон (чапдан) ва А. Абдуқодир ўртоқлар Фрунзе районидеги 308-сайлов участкасида ҳаммадан олдин келишди. 3. Оржоникидеги районидеги «Қизил Ўзбекистон» колхозидеги жойлашган сайлов участкасида овоз бериш пайти.



ЖАЗОИРДА КЕСКИНЛИК
КУЧАЙМОҚДА

Франс Пресс агентлиги хабар беради: Оранда кескинлик кучайиб бормоқда. «Қуролли махфий ташкилот» шаҳар аҳолисидан одадгача маҳаллий вақт билан соат 19—30 минутда бошланадиган комендант соатига бўйсунмаслигини ҳамда соат 21.00 гача қўн қолгани талаб қилди.

СЕНЬНИНГ АЙТГАНЛАРИ

Италия ташқи ишлар министри Сенья Женевадан Римга келди. У Женевада кулорсизланиш масалалари билан шуғулланувчи 18 давлат комитетининг ишида қатнашди. Сенья Римга келганидан кейин, жумладан, Италия делегацияси «Иттифокчиларини билан маҳкам ҳамкорликда» конкрет натижаларга эришиш учун ҳаракат қилади, деб айтди.

АГРАР РЕФОРМА ЎТКАЗИЛАДИ

Бразилия президенти Гуларт мамлакатининг ички аҳволи ва ташқи сиёсати масалалари юзасидан миллий конгрессга мактуб юборди. Президент мактубида мамлакатда бир қанча катта реформалар, биринчи навбатда аграр реформа ўтказиш зарурлигини, аграр реформа ўтказиш бундан олдин кечитириш мумкин эмаслигини айтганлиги.

Мактубда мамлакатнинг табиий ресурсларини чет эл монополистлари томонидан талон-тарож қилинишига йўл қўймаслиги учун Бразилияда чет эл капиталларидан фойдаланиш тўғрисида янги қондалар ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланганлиги.

ЕР ОЛИШ МАҚСАДИДА

Чинандега департаментидеги (Никарагуа) бир неча ҳафта давомида деҳқонлар ғалайилари бўлиб турди. Деҳқонлар ўзларига маъмурият ваъда қилган ер участкаларининг берилишини талаб этмоқдалар. Полиция деҳқонлардан 20 кишини қамоққа олди.

ГАРРИМАН ЖАНУБИИ КОРЕЯДА

АҚШ давлат секретарининг ўзқ Шарк ишлари бўйича ёрдамчиси А. Гарриман икки ҳафталик визит билан Жанубий Кореега келди.

ЯПОНИЯДА АВИАЦИЯ ҲАЛОКАТИ

17 мартда Одавара шаҳри устида (Япония) авиация ҳалокати бўлиб ўтди. Япония ҳарбий ҳаво кучларига қарашли иккита қирувчи самолёт учиб бораётганда тўқнашган. Самолётлардан бири темир йўл изига, иккинчиси уй-жойлар устига қулаб тушди. Портлаш ва унинг кетидан чиққан ёнғин натижасида бир неча уй вайрон бўлди. (ТАСС).



Янгиўл районидеги 84-сайлов участкаси Хрушчев номли колхозда жойлашган. Суратда: шу колхознинг раиси уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони донгдор пахтадор Хамроқул Турсунқулов овоз бермоқда.

Қ. Розиков фотоси. (ЎЗАТАГ фотохроникаси).

ЙЎЛДОШ ПАРВОЗДА

Ернинг 1962 йил 16 мартда учирланган совет сунъий йўлдоши ўз ҳаракатини давом эттирмоқда.

Учирувчи ракетаининг сунъий босқичи ҳам йўлдош орбитасига яқин орбита бўлиб ҳаракат қилмоқда.

Ўлчов маълумотларини ишлаб чиқиш ҳақиқий орбитанинг мўлжалланган орбитага жуда мувофиқ эканлигини тасдиқлади. Йўлдош ичига ўрнатилган илмий апаратура нормал ишламоқда. Йўлдошнинг сигналлари қабул қилиб олинганлиги тўғрисида координация-хисоб марказига жуда кўп маълумотлар келиб турибди. Ўзлон қилинган икки частотада йўлдошдан берилаётган сигналларни рўйхатга олиш монософерида ўрғаниш учун янги ижкониятлар бермоқда.

Илмий апаратура ёрдами билан олинган дастлабки натижалар ишлаб чиқилмоқда.

18 мартда йўлдош қуйидаги шаҳарлар районидан ўтди (Москва ва вақти билан): Хабаровск — соат 7-06 минутта, Улан Батор — соат 8-42 минутта, Бағдод — соат 10-09 минутта, Токио — соат 10-29 минутта, Афина — соат 11-48 минутта, Целиноград — соат 11-57 минутта, Пекин — соат 12-05 минутта, Рим — соат 13-26 минутта, Волгоград — соат 13-32 минутта, Париж — соат 15-05 минутта, Киев — соат 15-10 минутта, Калкутта — соат 15-23 минутта, Лондон — соат 16-45 минутта, Бухарест — соат 16-50 минутта, Колумба — соат 17-05 минутта, Нью-Йорк — соат 18-12 минутта, Марсель — соат 18-27 минутта, Чикаго — соат 19-51 минутта, Жазоир — соат 20-08 минутта, Сан-Франциско — соат 21-25 минутта, Леопольдвиль — соат 21-58 минутта, Мельбурн — соат 22-32 минутта, Монреаль — соат 23-14 минутта, Кейптаун — соат 23-45 минутта.

Совет Иттифоқи ва Болгария Халқ Республикаси ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартнома имзоланган кунининг 14 йиллиги муносабати билан, Н. С. Хрушчев ва Л. И. Брежнев ўртоқлар Болгария Халқ Республикасининг раҳбарлари Тодор Живков, Димитр Ганев ва Антон Югов ўртоқларга самийини табриклар ва энг яхши тилаклар йўлладилар.

Табрик телеграммасида айтиладиги, пролетар интернационализмининг бузилмас принципларига асосланган бу шартнома СССР билан Болгария ўртасидаги маҳкам ва ҳар томонлама ҳамкорликнинг ривожланишида муҳим босқич бўлиб ҳақиқатан ҳаммада социализм

САМИЙИЙ ТАБРИКЛАР

тиқ мамлакатлар халқларининг дўстлиги ва қардошлигини мустаҳкамлаш манфаатларига, Европада ва бутун дунёда тинчлик ва ҳавфсизлигини таъминлаш ишита хизмат қилмоқда.

СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико Болгария табрик ишлари министри Карло Лукановга табрик телеграммаси юборди. (ТАСС).

МОСКВА, 17 март. (ТАСС).

Болгария билан СССР ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёр-

Халқ бахт-саодати учун, коммунизм учун!

МОСКВАЛИКЛАР ОВОЗ БЕРМОҚДА

СССР Олий Советига сайловлар кунини — 18 мартини Москва байрам чироқларининг олтин шуғалари билан кутиб олди. Эрта сажарданоқ кўчалар ва проспектларда, майдонларда олиниб кетаятган сажарданоқ кишиларини кўриш мумкин эди...

Кремлинда сайловлар баҳор авжи бошланиб келаятган пайлада ўтмоқда. Шундай кезларда табиат ҳам, инсон ҳам янгидан кучайиб кетди. Хозирги сайлов бошқа баҳорлардан алоҳида ажралиб турадиган коммунистик қурилиш баҳорига ўтмоқда. Ҳар бир кишининг қалбиде шоду ҳўррамлиқ.

Кремлинда Спаская башнясида соат олти марта бонг уради. Пойтахтдаги 2605 та сайлов участкасининг ҳаммаси ўз эшакларини очди. Тантанали дамлар! Шу онинг юзлаб москваликлар шоданада чироқлар чаргон қилган сайлов участкаларининг биноси олдида кутиб турар эдилар.

Москвадаги Калинин сайлов округи — йиринч заводлар, фабрикалар, янги қурилишлар районидир. Калинин райони пойтахт районлари ўртасида биринчи ўринда туради. Бу район КПСС XXII съездининг муносиб кутиб олиш учун ўтказилган социалистик мусобақада кўнма Қизил байроқни олишга сазовор бўлди. КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев Калинин сайлов округидан Иттифок Совети депутатлигига овозга қўйилмоқда.

Сайлов арафасида округ сайловчиларининг депутатликка номзод билан самийини учрашуви бўлиб ўтди. Бу учрашув меҳнатқашларнинг қалбига қўнгина илҳом ва қувват бахш этди.

Калинин сайлов округининг 59-сайлов участкаси. Бу ерда сайловчиларнинг ярмидан кўн эр-талаб соат ўнгача ўз граждонлик бурчини адо этиб бўлди. «Москвасель» заводи коммунистик меҳнат бригадасининг бошлиғи Е. А. Седова ва унинг эри коммунистик меҳнат зарбдори меҳаник Н. А. Седов сайлов кутисига биринчи бўлиб биолетелар ташладилар.

Ўқувчи А. Н. Кошаровский овоз берди. Унинг ҳаётида бутун икки

байрам бирдан келди: у биринчи марта овоз берди ва туғилганини нишонламоқда... Сайловчилар бирден келиб туришибди, байрам либосини кийган, қувноқ ҳўралли кишиларнинг кети узилмади.

Москва СССР Олий Советига 24 депутат сайламоқда. Москваликлар Н. С. Хрушчев, Л. И. Брежнев, Н. М. Шверник, П. Н. Демичев ўртоқларини депутатликка яқинлик билан номзод қилиб кўрсатдилар. Улар «Трехгорная мануфактура» комбинатининг тўқувчиси Д. И. Смирновани, Қуйишев номли электр заводининг ўрғувчиси Н. И. Морозовани, бинокор Г. И. Ламочкинни, Фанлар академиясининг президенти М. В. Келдишини, РСФСРда хизмат кўрсатган ўқитувчи Е. А. Деминани, институт-машинист Н. И. Егоркинни, РСФСРда хизмат кўрсатган артист, Большой театрининг солиисти И. К. Архиповани депутатликка номзод қилиб кўрсатдилар...

Пойтахтнинг Фрунзе районидеги 52-сайлов участкаси Москва давлат университетининг Герцен қўнқасидаги илгарини биносиде жойлашган... Бу ерда СССР Олий Советининг Иттифок Совети депутатлигига Ўзбекистоннинг К. А. Федин ва Миллатлар Советига К. А. Федин Шверник овозга қўйилмоқда. Кўннинг биринчи ярида ана шу сайлов участкасида Н. С. Хрушчев, Д. С. Поленикин, М. А. Сулов ўртоқлар овоз бердилар.

Байрам либосига бурнланган Москва айнасида гўзал ва навиқрон бўлиб қўнанади. Пойтахт бақисидеги эртақлардаги пахлавларда наби йил сайини ўлғайиб, ёпариб бормоқда. Масалан, СССР Олий Советига ўтказилган бундан аввалги сайловда неинини тўрт илмобойлиги Москвада кўн чегараларини икки баравардан зиддор кенгайтди. Москваликлар 11 миллион 600 миң квадратметр, яъни Москванинг революцияга қадар мавжуд бўлган уй-жой фондида тенг ҳажмда турар жой олдилар.

— Пойтахтнинг ҳамма сайлов округларида ҳамма сайлов участкаларида овоз бериш аҳлилик билан ўтмоқда. Тушга қадар сайловчиларнинг ярмидан кўнроғи ўз граждонлик бурчини адо этиб бўлди. (ТАСС).

Сурхондарёнинг сайлов участкаларида

ТЕРМИЗ, 18 март. (ЎЗАТАГ). Термиз станциясининг темир йўлчилар клубида жойлашган сайлов участкасида овоз бериш бошланганлиги ҳақида хабар берилди.

Еш сайловчи — Ушнискый номли ўрта мактабнинг 10-синф ўқувчиси Х. Даббобоева ҳокимиятнинг олий органига ўтказилган сайловда қатнашиш билан беҳад бахтёр эканлигини ҳақида таъкидлади. «Чорқўш» парходонинг командаси Термиздаги 10-сайлов участкасида тўла тасоввад келди. Калинин, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Қора Хатамов бундай деди:

— Бугун биз дўст Афғонистон соҳилларига қараб сафарга чиқмоқдамиз. Бу сафаримизни «аъло» баҳо билан ўтказмоқ учун ҳамма чораларни кўрамиз.

Эрталаб соат 10 гача Сурхондарё областида ҳамма сайловчиларнинг 60 процентдан кўнроғи овоз бериб бўлди.

тар халқи улуг Совет Иттифоқининг жуда катта қардошлиқ ёрдамига таяниб, социализм қурилишида ажойиб ютуқларини қўлга киритди. Болгар-совет дўстлиги социалистик тараққиётимизнинг ҳал қилувчи фактори, порлоқ ва бахтёр ислоҳот учун, коммунизм учун курашимизда илҳом ва жасорат манбаи эканлигини Болгария Халқ Республикасининг меҳнатқашлари жуда яхши биладилар.

Болгария Халқ Республикасининг ташқи ишлар министри Карло Луканов шонли воқеа муносабати билан СССР ташқи ишлар министри А. А. Громикого табрик телеграммаси юборди.

Ўтган 14 йил мобайнида, дейи-

лади табрик телеграммасида, бол-



Суратларда: 1. (чапдан) Октябрь районидеги 269-сайлов участкасида политехника институтининг студенти сайловда биринчи марта қатнашган Ш. Шомсломов ва шахсий несионер хизмат кўрсатган ўқитувчи Собиржон Раҳимов ўртоқлар овоз беришмоқда. 2. Тошкент тўқимачилик комбинатининг ишчилари М. Собиржон (чапдан) ва А. Абдуқодир ўртоқлар Фрунзе районидеги 308-сайлов участкасида ҳаммадан олдин келишди. 3. Оржоникидеги районидеги «Қизил Ўзбекистон» колхозидеги жойлашган сайлов участкасида овоз бериш пайти.

ПАРТИЯ, ХУКУМАТ ВА ХАЛҚ

Янгийўлликлар қувончи

Янгийўл шахрида 18 март кунини эрталаб соат 4 бўлмасдан қўчалар гавжум бўлди. Ҳамма сайлов участкалари томон шошилди.

Мана, шаҳар маданият саройи ҳузуридаги СССР Олий Советига сайлов ўтказувчи 7/7 сайлов участкаси. Бу ер байрам либосига бурканган.

Соат стрелкалари 6 га яқинлашмоқда. Ҳамма сайлов участкаси олдига тўпланган. Сайлов комиссиясининг раиси, ёр-мий комбинати директорининг ўринбасари Ёртоқ Усмонов Иброҳимов қисқача нутқ сўзлаб сайловчиларни овоз беришга таклиф қилди.

Биринчи бўлиб ёр-мий комбинати электрчиси, коммунистик меҳнат бригадасининг бошлиғи Федор Кудрявцев бюллетень олишга сазовор бўлди. У сайлов қутиси олдига шундай деди:

— Биз ажойиб замонда яшамокда. Ҳамма жойда коммунизм туртаклари пайдо бўлмоқда. Меҳнаткашларимиз партия ва ҳукуматимиз раҳбарлигида КПСС XXII съезди қарорларини амалга ошираётган коммунизм галабаси сари шаҳдам қадамлар билан бормоқдалар. Мен коммунистлар билан партиячиларнинг энг яхши фарзандлари учун овоз бераман.

Сайлов бюллетенини иккинчи бўлиб САИМЭ лаборанти В. Петров олади. Мен, — дейди у, — сайловларда биринчи марта иштирок этмоқдаман. Ҳукуматимизнинг олий органига энг муносиб кишиларимизни сайлаш ҳуқуқига эга бўлганим билан кечис фахрланаман.

Соат-9 у 45 минутгача сайловчиларнинг 65 проценти овоз бериб бўлди.

Зўр уюшқоқлик

Товоқсой ишчилар поселкасидаги 66/158 сайлов участкаси эрта тонгдан бошлаб сайловчилар билан гавжум бўлди. Соат 6. Духоний оркестр Совет Иттифоқи гимнини ижро этди. Сайлов участкасининг раиси М. Холиқов овоз бергани келган сайловчиларни умумхалқ байрами билан табриклади ва уларни овоз беришга таклиф этди.

Биринчи бўлиб Чирчиқ химия комбинатининг ишчиси Турсунбой Норматов овоз берди. У сайлов қутиси олдида келгач, мен халқимизнинг фарзандлари Ф. Е. Титов ва Ҳамроқул Турсунқуловлар учун овоз бераман, оёқ — Ватанимизнинг яна ҳам гуллаб-яшнаши учун, бутун дунёда барқарор тинчлик учун овоз бераман, деди. Шундан сўнг «Ташнегрострой» ердамчи хўжалигининг сўт соғувчиси, коммунист Наталия Димитриевна Леонтьева, ўқитувчи Ахмед Галиев, пенсионер Равшановлар овоз беришди. Сайлов участкасидаги деярлик барча сайловчилар кундуз соат 12 гача овоз бериб бўлишди.

Райондаги Ленин номи, Фрунзе номи, Жданов номи, «Қизил туз» колхозлари ва бошқа жойларда сайлов участкаларида ҳам овоз бериш уюшқоқлик билан ўтди.

Э. ТУРКМЕНОВ,
Бўстонлик райони.

Нийёбоши қишлоғининг аҳолиси кеча одадидан барвақт уйғонди, ҳади тонг отмасдан сайлов участкаларида бадий ҳаваскорларнинг қувноқ ашула ва куйлари янгради. Байрам тантанаси бошланиб кетди. Қишлоқда ташкил этилган участка сайлов комиссиясининг раиси Э. Боймираев роса соат 6 да сайловчиларни овоз беришга таклиф қилди. Биринчи бўлиб колхоз қурилишининг актив иштирокчиси 90 ёшли Сиддиқ ота Расулов сайлов қутиси ёнига келди. Бу нуруний ота бюллетень ташлар экан, ҳажжон билан гапирди:

— Менинг 50 га яқин ўғил-қиз, нева-чевараларим бор. Улардан 15 таси мактабда билим олади. Икки ўғил ва бир келиним ёшларга таълим беради. Совет даврида бахтимиз кўнди, ҳаётимиз фаровон бўлди. Мен халқимизнинг, фарзандларимнинг ёрқин келажаги, бахт-саодати учун овоз бераман.

Отадан сўнг сайлов қутиси ёнига биринчи марта овоз берувчи ёш йигит-қизлар келишди.

Қишлоқ аҳолиси кеча мамлакатимизнинг мингтаб меҳнаткашлари қатори СССР Конституциясида олтин ҳарфлар билан ёниб қўйилган ўз ҳуқуқларидан фойдаланиб, элнинг энг асл фарзандлари учун бирдамлик билан овоз бердилар.

М. БОЛТАБОВЕВ,
С. НИШОНБОВЕВ.

МИРЗАЧУЛДА БАЙРАМ

КОМСОМОЛ. Бугунги кунини умумхалқ сайлиси деса бўлади. 17 мартдан 18 мартга ўтар кечаси мусасфо тонгини кутиб кўплар умумхалқ сайли билан Комсомол районидаги 87/121-Фрунзе сайлов участкаси сайловчилар билан гавжум бўлаётган. Афтидан одамлар шу улуг айёмда уйғун тарқ этиб, ўзларига ҳадя қилинган бахт қонуни ҳақида узоқ гурунлашганини истар эдилар. Кенг дара кўриб ўз иқболини кўн-кўз қилиш қанчалар лаззатли экан.

Тонгта қадар ўйин-куйи, қўш-қўй тинмади. Соат 6 бўлиши билан қишлоқ аҳолиси уюшқоқлик билан сайлов участкасига келди. Ўз номзодлари учун биринчи бўлиб овоз берганлар орасида ота-бола Қурбонкул Пардабоев ва Холдўзи Қурбонқуловлар ҳам бор эди. Навбат 18 ёшга элдинга тўлган Холқўзига келди.

— Биринчи марта СССР Олий Совети депутатлари учун овоз беришга ташар эканман, деди у. — Биз бахтли ёшларимиз. Мен ўтган йили 10-синфни битириб ўз ихтиёри билан колхозда ишлаш учун қолдим. Мавсумда 6 тоннадан кўпроқ пахта тердим. Бугунги шодна кунда ҳамкишорларимни ишонтириб айтманки, колхозимиз экономикасини юксалтириш йўлида сидқиқлардан ишлайман. Бизга шундай ҳуқуқ, эркинлик берган социалистик давлатга, унинг иқдорли бўлиши Коммунистик партияга минг раҳмат!

Шу райондаги 80/114 — Ленин сайлов участкасида биринчи бўлиб 13 боланинг онаси, Наҳрамон она Ёғилопа Маматқулова сайлов қутиси ёнига келди.



Суратларда: 1. Куйбишев районидagi 163-сайлов участкасида Музаффар ота Караматов (чапдан) ва Г. Каменов ўртоқлар биринчи бўлиб овоз беришмоқда. 2. Оржоникидзе районидagi Хрушчев номи колхоз аъзолари овоз бериши уюшқоқлик билан ўтказилди. М. Шодиев (ўнган) ва М. Махмудов ўртоқлар овоз беришмоқда.

БАХТЛИ ҲАЁТ, ПОРЛОҚ НЕЛАҲАК УЧУН

Чирчиқ электро қиёб комбинатининг маданият саройи олдига комбинат ишчиларидан икки киши: слесарь А. Волошин ва аппаратчи А. Партиев ўзаро ширин сўхталашмоқда эдилар.

Ажойиб замонда яшаймиз, деди Партиев иштирокчилар билан, — қўли гул кишиларимиз тўрт йил ичиде не-не гузалликларни яратмадилар. Мана, ўз шахримизни олиб кўрайлик. Қисқа вақт ичиде юз берган ўзгаришлар кишини ҳайратга солади.

— Э, нимасини айтасан ошнам, — унинг фикрини қувватлади Анатолий. Мана шу қадар шохримизнинг истиқболли, унинг янча юксалтириш учун ҳар қанча меҳнат қилсак ҳам оз. У улуг Ватанимизнинг ажрасмас бир қисмидир.

Ха, улар ҳақ. Ўтган сайловлардан буён Чирчиқ меҳнаткашлари олға томон яна катта одамлар ташлашди. 1958—1961 йиллар ичиде шаҳарда қурилиш материаллари комбинати, Юмолқоз заводида янги керамзит цехи ишга туширилди. Пойабзал фабрикасида эса янги корпуснинг қурилиши бошланди. Ўзбекистонда янги корпус қурилди. Ўтган йил бу корпус қурилишига ташкил топишган бўлиб 1958 йилдаги нисбатан электр асбоб-ускуналари икки баравар кўп ишлаб чиқарилаётганлиги.

Бу йил эса махсуслат ишлаб чиқариш 1958 йилга нисбатан уч баравар кўпайтирилди. Шу йилнинг ўзидеёқ шахарнинг деярлик ҳамма корхоналари ва турар жойлар тўла газлаштирилди.

Шаҳар меҳнаткашларининг маданий-маиший ҳаётида ҳам катта ўзгаришлар юз берди. Кейинги тўрт йил ичиде 72 минг 265 квадрат-метрдан иборат янги турар жойлар, давлат ёрдами билан юзларча шахсий уйлар ва коттеджлар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари 3 та ҳашаматли мактаб биноси қад кўтарди. Ҳозир шаҳарда 18 та кундузги мактаб ва 6 та кечки ишчи-ёшлар мактаби бор. Бу мактабларда 16 мингдан ортиқ ўқувчи таълим олади. Ўтган сайловлардан бери шаҳарда ҳар

бири 500 ўринли бешта болалар босчаси ва 4 та ясли фойдаланишга топширилди. Химиклар маданият саройи, промерлар саройи, қурувчилар клуби бунёдга келди. Ҳозир Чирчиқда 11 та кишлоқ ва 11 та ёшлик кинотеатр ва клуб бор. Меҳнаткашларга 50 дан ортиқ кутубхона хизмат қилмоқда.

Шаҳарда товар-обороти 29 процент ошди. Меҳнаткашларга су, ёғ, ўшт, кир, ювчи машиналари, енгил автомашиналар, мотоцикллар ва мебел сотиш анча кўпайтирилди. Кейинги тўрт йилнинг ўзиде шаҳарда янги 28 мағазини ва 10 та ошхона ишга туширилди.

Чирчиқнинг келажаги яна ҳам порлоқ. Шу йилнинг ўзидеёқ саноат корхоналари махсуслат ишлаб чиқаришини 30 процент кўпайтиришди. Троицк поселкасида, шахарнинг бошқа қисмларида янги-янги клуб ва мағазиналар, болалар муассасалари қурилади. Ўзбекистонда қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металлор комбинати ёнида узакан мактаб биноси барпо этилди. Шунингдек янги келажакда янги трансформатор заводи қурилиши кўзда тутилди. Бу корхона ёнида янги ишчилар шаҳарчаси бунёдга келади.

Чирчиқнинг гузал қиёфаси, йилдан-йилга ривожланаётган бу гигаит саноат шахрининг юксали рақамларини тилга олиб, унинг ёрқин келажаги ҳақида ифтихор билан сўзлаётган минглаб ишчи-хизматчиларнинг бугун қувончи кечис. Улар қиёбимизнинг энг олий органи депутатлар сайлаш учун сайлов участкалари томон борарканлар, меҳнат аҳлининг кудратли қўли билан гуркираб ўсатган шахарнинг ҳар бир ерига суқланиб боқардилар.

Байрам либоси билан безанган шаҳарда сайлов тонги отиши билан кўчалар одамлар билан лиқ бўлди. Эрталаб соат 10 га қадар Чирчиқ меҳнаткашларининг 80 проценти овоз бериб бўлди. Улар халқимизнинг муносиб номзодлари учун, бахтли ҳаёт, порлоқ келажақ учун, коммунизм тантанаси учун овоз бердилар.

И. САТТОРОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг штарис мухбири, Чирчиқ шаҳри.

Қалб сўзлари

Эрта тонг. Қўёнинг шаффоф нурлари таралмасдан Фрунзе районидagi иккинчи, учинчи Чарх-камолот ва Нова маҳаллалари кўчаларида нуруний чол-камиллар, юзларида шодлик барқ уриб турган йигит ва қизлар сайлов участкаси томон йўл олаётганлар.

Соат олти. Ҳаммаининг ҳам биринчи бўлиб овоз бергиси келади. Тошкент-Ленин сайлов округига қарашли 107-сайлов участкасининг муҳрири Л. Ш. Глейзер қисқа кириш сўзи билан сайловчиларни овоз беришга таклиф этди.

Бу сайлов округида КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоларида кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов ва Тошкент тўғримачилиги комбинатининг ишчиси Ф. А. Шеронова овозга қўйилган.

2-Чархкамолот маҳалласи пенсияерлар Советининг раиси, 70 ёшлик кекса пенсионер Махмуд ота Токиев биринчи бўлиб кўзига сайлов бюллетенини олар экан, атрофдагиларга мурожаат қилиб бундай деди:

— Мен 70 йилдан ортиқ умр кўрдим. Революциядан олдин менинг навқирон ёшлик йилларим тенгсизлик, адолатсизлик даврига тўғри келди. У пайтларда мен бир бурда нон учун маҳаллий бойлар кўлида ишлар эдим. Кўнчилиги, намагайлик курси, сира бирим-икки бўлмасди. Мана, ҳозир камчилик жойимиз йўқ, еганимиз олдимизда, емаганимиз кетимизда, ҳеч нарсадан камчилигимиз йўқ. Бизга бахтли ҳаётини муассар этган, турмушимизни фаровон этган партиямиз, ҳукуматимиз омон бўлсин.

Ҳозир 11 фарзандим бор. Ҳаммаси ишлайди. Гоҳо набиравларим билан област қишлоқларини айланиб иқдор ҳалқ қиёбига ишларни кўриб тасанно дейман. Бугун мен ҳаммаганимиз коммунистлар билан партиячилар блокнинг энг яхши ўғил-қизлари учун овоз беришга даъват етман.

Отанинг сўзлари қарсақлар билан кўриб олинди.

Овоз бериш бошланди. Отадан сўнг студент Г. Аҳмадзонова, пенсионер Еқуб ота Исҳоқов, хизматчи А. Абдурахмонов, ишчи Х. Раҳматуллаев биринчи бўлиб бюллетен сайлов қутисига ташлашди. Бир неча соат ичиде сайловчиларнинг кўпчилиги қисми овоз бериб бўлди.

Х. ШАРИПОВ.

Яқдиллик билан

Тошкент тўғримачилиги маданият саройи байрам либосида. Бино пештоғидagi қи-қилди алвонлар тонг шабадасида ҳилирайдди. Тун ўз ўрнини тонгга бўшатиб берди. Соат беш ярим... Сарой сайловчилар билан гавжум бўлаётганлиги, Улар орасида энг кекса сайловчилардан тортиб, бугун биринчи марта овоз бериш учун келган бахтиёр йигит-қизларни қўллар уратиб мумкин.

Сайлов комиссиясининг раиси меҳнаткашларни овоз беришга таклиф қилганида биринчи бўлиб ким овоз бергани, деган ҳаё бир зумда ҳаммаининг фикридан ўтди. Мана, ниҳоят сайлов қутилари ёнига биринчи бўлиб сайловчилар келди.

Тўғримачилиги комбинати ишчи зарбдор ишчиси мастер Гулдодов биринчи бўлиб сайлов бюллетенини олишга муассар бўлди.

— Кечганича, — дейди у, — мен газетадан ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг сайловчилар билан бўлган учрашувида сўзлаган нутқини зўр қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Қадронимиз Никита Сергеевичнинг: «Давлат — бу сиёсий ўзини» деган сўзлари мени айниқса тўқиндирди. Чиндан ҳам бизда кекс халқ оmmasи давлатни бошқаришни ўз қўлига олган. Ҳокимиятимизнинг олий органига сайланаётган депутатлар орасида ишчиларнинг энг муносиб номзодлари ҳам бор. Фидокорона меҳнат қўлида ана шундай бахтли муассар бўлган халқнинг энг фарзандлари учун биринчи бўлиб овоз бериш мен учун гоат қувончдир.

Шундан сўнг сайлов қутиси ёнига минералогия фанлари доктори ўртоқ Малахов келди. У илм-фанни ривожлантириш йўлида қўрмал-толмай меҳнат қиёбига олимларимиз фикрини ифодалаб, совет фанининг гуллаб-яшнаши учун овоз бериб. Бир соат ичиде 300 дан ортиқ сайловчи овоз берди.

Кеча Фрунзе районидagi 108-сайлов участкасида овоз бериш ана шундай зўр уюшқоқлик билан ўтди. Куннинг биринчи ярмига қадар сайловчиларнинг қарийб 80 процентида нутқи ўз гражданилик бурчини бакарди.

Н. РАЖАБОВ.

ОРЗИҚИБ КУТИЛГАН КУН

Сайлов участкасига элтувчи йўлар тонг отмасданок ёш-қарилар билан гавжум бўлаётганлиги. Улар Конституцион ҳуқуқларидан фойдаланиб, халқ ичидан чиққан энг яхши номзодларга овоз бериш учун ошиқар эдилар.

Уштак жойлашган 11-мактаб коллективи бу улуг айёмга пухта тайёргарлик кўрганлиги яққол сезилиб турибди. Заллар дид билан безатилган. Шу яқин атрофдаги озиқ-овқат мағазинларининг кўча бўлимлари сайловчилар хизматида.

Соат 6 бўлмасданок участка зали сайловчилар билан лиқ бўлди. Сайлов комиссиясининг раиси Ўртоқ Х. Нурхонов сайловчиларни овоз беришга таклиф этди. Биринчи бўлиб сайлов бюллетенини авто-ремонт заводининг ишчиси Жўра Юсупов қўлга олди.

— Мен бу йил биринчи марта овоз бериш шарафига муассар бўламан. Шунинг ушак ҳам бу тонгини жуда орзиқиб кутдим. Мен ҳаётга эндигина қадам қўйиб келаётган юзлаб ёшларнинг бириман. Партия ва ҳукуматимизнинг гав

ҳўрлигига жавобан меҳнатда энг галабаларини қўлга киритиш учун курашаман.

Шундан кейин чинни заводининг ишчиси биринчи марта овоз берувчи Рихси Содиқова, пенсионер Али ота Умаров ўртоқлар бюллетень оладилар.

Мана, сайлов қутиси ёнига юзларидан табассум ва нур ёғилиб турган Абдуваҳоб ота — Абдурахмонов яқинлашмоқда. Салкам 80 ёшга кириб қолган бу нуруний кекса икки дунё ўз бошидан кечирмоқда. У улуг Октябрь революциясидан олдин чор ҳокимияти даврида ҳам яшаб сайловларда қатнашган. Лекин у маҳалда ҳозирги сингари демократик ва эркин сайловлар қаёқда эди дейсиз! Ота ана шундай тўғрисида мулоҳаза қилар экан, ҳаммага тенг ҳуқуқ берган ва бадавлат ҳаёт яратиб берган партия ва ҳукуматимизга чин юракдан миннатдорчилик изҳор қилди. Совет оиласининг маданийлиги, мустақамламлигини ана шу ота оиласи мисолида кўрс бўлади.

Унинг 40 га яқин нева ва чеваралари бор. Бир иврач, бири химик, бири чет тиллар ўқитувчиси бўлиб ишлайди.

Октябрь районидagi 11-мактаб биносига жойлашган 241 сайлов участкасида СССР Олий Совети депутатлигига қўрсатилган номзодлар КПСС Марказий Комитетининг секретари А. Н. Шеленин ва Е. А. Котелев ўртоқларга овоз бериш ана шундай бирдамлик ва уюшқоқлик билан ўтди. «Иттифоқ», «Коминтерн» маҳаллаларининг 1783 сайловчиси соат 10 бўлмасданок овоз бериб бўлди.

Шу райондаги 142-болалар босчасига жойлашган 234-сайлов участкасида ҳам сайлов уюшқоқлик билан бошланиб, катта байрамга айланиб кетди. Биринчи бўлиб сайлов қутисига яқинлашган Х. Қаримов ва З. Аҳмедов ўртоқлар коммунистлар билан партиячилар блокнинг қандидатлари учун яқдиллик билан қувона-қувона овоз бердилар.

Н. РИХСИБЕВ,
А. СОВБОЛДБЕВ.



Тошкентлик сайловчи Уктам Файзиёва:
— Сенинг бахтинг учун ҳам овоз бераман, эркам!

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»

2-БЕТ, 19 МАРТ, 1962 ЙИЛ.

БИРЛИГИНИНГ ЗЎР НАМОЙИШИ

Тошкентлик ёш сайловчи Г. Ахмедова (чапдан) ва пенсионер А. Мальцев ўртоқлар биринчи қатори овоз беришди.

Бахтли кексалик

Янгидаёт маҳалла меҳнаткашларининг ташаббуси билан барпо этилган клуб бир неча кундан бери гавжум. Сайловчиларнинг кўпчилиги уйларига кеч қайтган бўлсалар 18 март куни соат 5 бўлмасданок яна клубга тўпландилар. Октябрь районидagi 224-сайлов участкасига кексалар ёшлардан ҳам олдин келишди.

Овоз бериш бошлангани эълон қилинар экан, бюллетени биринчи бўлиб революция ветерани, кекса пенсионер ўртоқ Нурмат Холмухамедов олди. У сайлов қутиси ёнига келиб бундай деди:

— Мен 44 йилдан бери Ленин партиясининг аъзосиман, Иконажон партиямининг биринчи ва иккинчи программасини адалга оширишга қанчалик ҳисса қўшган бўлсам, коммунистлик жамият қуриш ҳақидаги янги Программани амалга оширишга ҳам муносиб ҳисса қўшишга тайёрган.

СССР Конституциясида белгиланган бурчини адо этиш учун сайлов қутиси ёнига келган қаҳрамон оналардан Мамлакат Ғофурова, Маъруфа Зиямухамедова каби ҳурматли оналар самимий кутуб олинди. Улар Ватанимизнинг содиқ фарзандлари — КПСС Марказий Комитетининг секретари Александр Николаевич Шелепин ва Евгений Александрович Кошелев ўртоқларга қувона-қувона овоз бердилар.

— Нигитлик давридаги кучимнинг маъноси катта, ер эгалари тўғайлар — дейди 80 ёшлик сайловчи Маҳмадхон ота Бобоев, — жонини ҳақининг билан ишласанг ҳам бир бурдан нонини татнасиб ейини мумкин эмас эди. Биз кексаликнинг гаштини энди — Совет ҳукумати даврида сураямиз. Кексалик учун пенсия ҳам олаёмиз.

Пушкин номи 119-мактабга жойлашган 227-сайлов участкасига кексалардан Миролми ота Мирмухамедов, Абдулла ота Ёлдошев биринчи бўлиб овоз бердилар.

Ҳар 2 участкадаги сайловчилар Совет давлатининг олий органи сайловга бирдамлик ва кўтаринки руҳ билан келдилар. Кўннинг иккинчи ярмидаёқ сайловчиларнинг кўпчилиги зўр активлик билан овоз бериб бўлди.

Ш. КУЗАНБОВЕВ.

РЕПОРТАЖ

Чехраларда табассум


Гира-шира тўғи. Тўйтаепнинг марказий Ленин кўчасидан бор-қочамиз. Ёриллаб эсаятган баҳор шабадаси юзини аста сийлаб, кишига ҳузур бағишлайди. Узоқ-узоқлардан эшитилаётган оҳанглар куйлар қалбларини қитқиллайди...

Кўчани тўйдирган кишилар юзига табассум, қалбларига куксон. Улар орасида уста пахтакор, илгор чорвалдор, ўз постиди кўп билан меҳнат қилиб, нисон дарадига шифо топаётган врачлар, ҳурматли ўқитувчилар, қўйингчи турли касб эгалари бор.

Мана, 140/214-сайлов участкасидан. Кираверилда созандалар ёқимли кўйини иккиро этмокдалар. Кўчма дўконларда сотувчилар харидорларга қўйиқўлга тегмай хизмат қилишяпти.

Сайлов қутиси ёнига биринчи бўлиб Ангелес номи колхоз аъзоси Зулфия Қосимова келди.

— Звеномизда, — деди у, — бу йил беш қўти кўрт уруғи боқилади. Мана шу тантанали пайтда дилинг қувончга тўлган нима дейишининг ҳам билмайсан киши. Биз КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми қарорларидан руҳланган ҳолда баракали меҳнат қилаёмиш. Биз овоз бераётган Ли Любев ҳамда Елена Павловна Сичевалар меҳнатдан ҳурмат



САЙЛОВ ТОНГИДА

Шаҳрим тоғотари ўзига бугун. Ҳар дилда ифтихор, ҳар уйда байрам. Ҳатто табиат ҳам ясанган, гулгул, Ҳаётни табриклар сен зийиб кўйилан.

Богларда гулчалар очилиб қийос, Элима бўлибди ажиб гўлбаста. Кўк чўзиб ёдуга, жузайффо, олимос, Гул тотин қоллардан еллар нафаста.

Қирларда қулф урган айвон лолалар, Байроқлар рангига бўлибди монанд. Баҳорини табриклар саҳий даладар, Олтин чаманига кенг кўкси пайванд.

Элим юрагига баҳор қувончи, Сайлов тоғотарини қўтлар бахтиёр. Овоз берди бугун, унинг ишончи Саодат йўлида мангу бўлган ёр.

Сайлов тоғотари — ҳаёт дентини Мажр уриб оқди участка томон. Қўларда бюллетень, унда қалб сўзи — Раҳмат айтар партияга ҳар инсон.

Раҳмат дер раҳмано Компартияга, Элимнинг баҳорини, гўл ёзи учун, Раҳмат дер жоанжон Компартияга Гагарин, Титовнинг парвози учун.

Раҳмат дер қўшдек балзиб тоғ чоғи Яқин келаётган коммунизм-чун, Раҳмат дер юракдан, туриб тоғ чоғи Овоз берди асл фарзандлар учун.

НАЗАРМАТ.

Чехраларда табассум

тоғотар аёллардир. Уларнинг изларидан бориб, янада тайрат билан ишлаймиш. Ҳар қўти кўрт уруғидан 80—85 килограммдан пилла ҳосили етиштирармиз.

Сайловчилар орасида бундай катта ишларга аҳду-паймон қилган кишилар кўп эди. Шу қолхонинг аъзоси Азия Аббосов ҳам уларнинг бири. У илгари фермада ҳисобчи бўлиб ишларди. Халққа мўл-қўл чорва маҳсулотлари етиштириб бериш учун мустаҳкам ем-хашак базаси кераклигини ўйлаган ўртоқ Аббосов бу йил 120 гектар ер акратиб, маккашўхори екишга лавор қилди, ҳар гектар ердан 600 центнердан ошириб сийлос-боп ҳосил етиштириш ҳақида сўз берди.

Биз туғшган машина 143/217-сайлов участкаси томон 437 олди. Бу ерда ҳам меҳнатчилар ўз номзодларига кўтаринки руҳ билан овоз бераётгилар.

Сайлов участкаси биноси олдида «XXII партсъезд» қолхонининг кекса бригадари Усмон ота Абдуразақов билан суҳбатлашдик. У эндигина овоз бериб чиққан эди. Мен 30 йилдан кўпроқ вақтдан бери пахтачил билан шугулланиб келаман, — деди у ваъминлик билан. — Утган йили камҳосилли бригадага бошлиқ бўлиб бордим. Сидқидилдан ишлашимиз натижасида бир йилнинг ўзига

Қайтишда Маҳсума ойисидан:

— Ойи, сиз овоз бераётганингизда нимани ўйладингиз, қандай ният қилдингиз? — деб сўради. — Мен, овалов, шундоқ яхши ҳукуматимиз учун, дея жавоб қилди она, — ҳаммадан ҳам у одамларнинг кўзини очганлиги — ҳаммани саводхон қилгани учун миннатдор бўлиб, мактаб-маорифнинг янада равақ топиши учун, сенлар сингари эл-юрт боласининг ўйнаб-қулиб юриши учун овоз бердим...

Бу — Тошкентнинг Октябрь районидagi минглаб сайловчилардан бири — Оқлон маҳаллалик уй-ўғтор ишлари билан шугулланувчи, 6 боланинг онаси Муборақ Мирзаеванинг юрак сўзлари. Уша сайлов участкасига овоз берган 76 ёшли Рихис буви, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Солиҳ Умаров, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи Садулла Исмаилов унинг педагог ўғли Сайфулла, болалар богчасининг тарбиячиси Саида Ахмедова каби жуда кўп сайловчилар мамлакатимизда таълим-тарбия ишлари тобора яхшиланаётганлигидан, илм ўчоқлари тармоғи жуда тез кенгаётганлигидан гоят мамун бўлиб гапирдилар.

— Бир Кўчка даҳасининг ўзида, — деди ўқитувчи Исмаилов, — тўртта ўрта мактаб, бир намунали мактаб-интернат, бир техникум ва бир неча богча-ясли бор. Бундан 40 йил олдин ана шу ерда саводли кишилар сон 10 га ҳам ётмас эди. Ҳозир эса саводсиз кишини қидириб топиш маҳол, ҳар бир маҳаллада ўйнаб олим, юзлаб эшён...

Қисқа вақт ичда шунчалик туб ўзгариш ясаган партия ва ҳукуматимиз маориф ишларини бундан ҳам равақ топтириш учун яна жуда катта тадбирларни белгилаётир.

З. ИСРОИЛОВ.

«КОММУНИСТЛАР БИЛАН ПАРТИЯСИЗЛАР БЛОКИНИНГ МИЛЛИОНЛАБ МЕХНАТКАШЛАР ТОМОНИДАН ОЛИЙ СОВЕТГА КУРСАТГАН НОМЗОДЛАРИ СНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ ВА СОВХОЗЛАРИНИНГ ИШЧИЛАРИ, КОЛХОЗЧИЛАР, ОЛИМЛАР, ВРАЧЛАР, ҲАВАСЧИЛАР, ЕЗУВЧИЛАР, ИНЖЕНЕРЛАР, АГРОНОМЛАР, МАМЛАКАТИМИЗ КҲРОЛЛИ КУЧЛАРИНИНГ ВАКИЛЛАРИ, ПАРТИЯ ВА КАСАБА СОЮЗ ХОДИМЛАРИДИР. ДЕПУТАТЛИККА НОМЗОД КИЛИБ КУРСАТИЛГАНЛАРИНИНГ ҲАР ҚАЙСИСИ КОММУНИСТИК ҚУРИЛИШНИНГ БИР УЧАСТКАСИДА ИШЛАБ ТУРИБДИ ВА ХАЛҚ ТУРМУШИ БИЛАН ЧАМБАРЧАС БОҒЛАНГАН. ЗОТАН БУНДАН БОШҚАЧА БУЛИШИ ХАМ МУМКИН ЭМАС, ЧУНКИ МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИНИНГ СОВЕТЛАРИ ЧИНАКАМ ХАЛҚ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИДИР. БУ ОРГАНЛАРГА ХАЛҚ ҲОКИМИЯТИ ЭНГ ЯХШИ ҲАМ ВАКИЛЛАРИНИ САЙЛАБ, МАМЛАКАТДАГИ БУТҲОН ҲОКИМИЯТНИ УЛАРГА ТҶЛА РАВИШДА ИШОНИБ ТОПИРАДИ»

Н. С. ХРУШЧЕВ.

Олимлар овози

Байрам тоғотарини қўшиқ ёхуд дилрабо куй билан қарши олиш бизда одат бўлиб қолган. Умумхалқ байрами — СССР Олий Советига сайлов кўни халқи тўн узар тоғи нури ёйилмасданок, шоду-хуррамлик авж олаётганининг боиси ҳам шундан.

... Вакцина ва сиворотка тарқатиш муассасаси клубида жойлашган 200/200 сайлов участкасига ҳам эрталабдан байрам шодлиғиси ҳукмрон эди. Чехраларини табассум базаган сайловчилар ўз гражданд

лик бурчларини адо этмок учун сайлов участкаси томон оширишарди. Улар Тошкент-Киров сайлов округи бўйича халқ томонидан депутатликка курсатилган Қ. М. Муртазоев ва Н. С. Патоглиев ўртоқлар номзодларини ёқлаб овоз беришмоқчи.

— Сайловчиларимизнинг кўпи илм-фан аҳллари, — дейди участкаси комиссиясининг раиси, биология фанлари кандидати ўртоқ А. Иноғомов, — Ҳа, бунга ишонаверинг. Билатизми, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг 30 га яқин олим шу участкадан овоз беради. Сайловга тайёргарлик кўришда бу илм аҳлларининг ёрдами жуда катта бўлди.

Ана, уларнинг бир гуруҳи шундай деди: «Сўхбатлашмиш бизни фойдада давра кўриб турган бир тўп сайловчилар томон бошлади.

Даврада кизгин, хушчақчақ сўхбат борарди. — Шу тоғда қалбимда бир олам қувонч, — дейди ҳаяжонланиб Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг акадeмиги, олим Малик Набиев, — шундай улуг айём кўнида қувонмай бўладими, ахир! Халқимиз совет кишиларининг бахт-саодати учун овоз бераётгилар. Мен ҳам граждандлик бурчимни адо этганлигим билан бахтиёрман.

А. АЛИЕВ.

Биринчи бўлиб

Султонхўжа ака соат жириглаши биланоқ ўридан сапчиб турдию, юз-қўлини ювиб, кўчага чиқди. Ҳар тарафда Илйич нурлари машаалдек порлаб турарди.

Эрталаб соат 5 яримдаёқ участка сайловчилар билан тўла бошлади. Оржоникиде районидagi 50-мактабга жойлашган 143/201 сайлов участкасининг раиси ўртоқ Ни Александр пенсионер Султонхўжа акани самимий кутиб олди. Залда қўшиқ-куй анграб турарди.

Мана, соат роса 6. Залга сайловчилар оқими кириб кела бошлади. 50-мактаб партия ташкилотининг секретари ўртоқ М. Содинов СССР Олий Советига бўладиган сайловни очиб деб эълон қилади. У сайловчиларни коммунистлар билан партиясиизлар блокиннинг муносиб номзодлари учун овоз беришга чақиради.

76 ёшли пенсионер, коммунист Султонхўжа Тошхўжаев биринчи бўлиб кутига сайлов бюллетенини ташлар экан, зўр ҳаяжон билан қўйидагиларни айтди:

— Мен инқилобдан олдинги сайловларини ўз кўзим билан кўрганман. У даврда мингбоши сайлаш, қози сайлаш сингари сайловлар бўларди. Поракўрлик, алдамчилик, қўзғўлмачиликдан иборат бўлган қадимги сайловларда фақат амалдорлар ва руҳонийларгина сайланар эди. Меҳнаткаш халқ эса бир чеккага чиқиб қоларди. Бизнинг совет сайлов системамиз эса эркин, демократик системадир. Бизда оддий ишчилардан тортиб то ҳурмат қозongan илгор кишиларгача депутат бўла олади. Мана, бизнинг округдан сайланаётган ўртоқ Ҳамроқул Турсунов шундай илгор кишилардан бири ҳисобланади. Мен муносиб номзодимиз учун қувона-қувона овоз бераман.

Шундан сўнг бирин-кетин овоз бериш бошланди. Соат 9 бўлмасданок 3546 сайловчидан 2100 киши овоз бериб бўлди. Бу участка бўйича овоз бериш соат 12 гача тамом бўлди.

Оржоникиде районидagi бошқа сайлов участкаларида ҳам сайлов натижалари яхши йиқилди. Қўйилган пекелмасданок ҳамма сайлов участкаларидagi 17 минг сайловчидан 13 мингдан ортиғи соат 10 гача овоз бериб бўлди.

И. РУСТАМОВ.



Октябрь районидagi 269-сайлов участкасининг сайловчилари ўз граждандлик бурчларини адо этиш учун бу ерга барвақт келдилар. Суретда: сайловчилар илгирин овоз бериш учун бюллетень олмокдалар.

А. Абалян фотолари.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»

3-БЕТ, 19 МАРТ, 1962 ЙИЛ.

Нашир. Г. — 1553.